Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 20 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 53 (6750)

Даъват

Ёшлар, бу — орзуларга чулғанган авлоддир. Ёшлар орзулари билан гўзал, ёшлар бизга орзу қила билиши билан қимматли. Агар сен ёш бўлсанг, ўз орзуингга садоқатли бўлишинг керак.

Ким У ЖУН

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

«ТИКО», «ДАМАС» ЧИҚДИ, НАВБАТ «НЕКСИА»ГА!

Куни кеча мустақил Ўзбекистон иқтисодий ҳаётида муҳим янгилик юз берди. Асака шаҳрида Марказий Осиёда биринчи ва ягона автомобиль заводи ишга тушди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон тарихида автомобилсозлик соҳасидаги энг йирик ишдир. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг тамал тоши мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1992 йил июнь ойида Жанубий Кореяга қилган сафари чоғида «ДЭУ» компаниясига қарашли «Паблик Моторс» заводида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишган чоғидаёқ қўйилган эди.

Қисқа муддат — уч ярим йил ичида қўшма корхона қуриб битказилиб, ишга тушди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун 650 миллион АҚШ доллари сарфланди. Маблағларнинг 52 фоизи Ўзбекистон, 48 фоизи Жанубий Корея ҳиссасига тўғри келади. Жорий йил давомида корхонада жами 29875 та автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган. «ЎзДЭУавто» лойиҳа қувватига тўла эришгач, 200 мингта автомобиль ишлаб чиқарилади.

Яқинда республикамиз Президенти И. А. Каримов Фармонига мувофиқ мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, шунингдек, Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомобиль заводини қуриш ҳамда уни муддатидан илгари ишга туширишдаги фидокорона меҳнатлари учун бир гуруҳ ишчи ва мутахассислар республикамизнинг орден, медаль, фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 июль куни Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Ислом Каримов кореялик меҳмонларни Ўзбекистон заминида кўришдан беҳад мамнунлигини қайд этар экан, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг муттасил ривожланиб бораётганини, бунда, хусусан, «ДЭУ» корпорацияси муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Шу куни Ислом Каримов Корея Республикасининг «Чосон Ильбо» газетаси бош муҳаррири Чо Габ Женини қабул қилди. Ўзаро суҳбат чоғида юртбошимиз Ўзбекистон ва Корея муносабатлари муваффақият билан ривожланаётганини, хусусан, «ЎзДЭУавто» заводининг ишга тушиши икки мамлакат иқтисодиётининг улкан ютуғи бўлганлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, Асака шаҳрида Марказий Осиёда биринчи ва ягона автомобиль заводи ишга тушиши нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки маънавий, сиёсий ҳаётимизда ҳам тарихий воқеадир.

Норали АСЛОН.
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

КИНО САНЪАТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Кўпчилик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисидаги қарори билан аллақачон танишиб чиққан бўлса, керак. Бу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбеккино давлат — акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида» 1996 йил 29 апрелдаги фармонига мувофиқ қабул қилинган.

Маълумки, кишилик жамиятининг бугунги ҳаётини киносиз тасаввур этиб бўлмайди. Бизнинг мустақил юртимиз порлоқ келажак сари дадил одимлар экан, санъатнинг бу муҳим турини ривожлантириш чора тадбирларини кўриши табиий ҳолдир. Бироқ кино санъатининг истиқболи фақатгина киночиларгагина боғлиқ эмас. У барчага баробар, барчанинг тотли ташвишидир. Ҳар бир соҳа хизматини, кино санъатининг ривожида маълум қадар ўз ҳиссасини қўша билиш имкониятига эга. Ҳукуматимизнинг номи юқорида қайд этилган қарорида бу ҳарса очиқ-ойдин ифода этилган. Бу муҳим қарор хусусан, таълим соҳаси ходимлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифа юклайди **«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлар вазирлиги ва Алоқа вазирлиги, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси учун 1996—2000 йилларда контракт-шартнома асосида кадрлар тайёрлашни таъминласинлар»**, — дейилади қарорда.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз қарорида ҳар бир ташкилот, ҳар бир муассасанинг вазифалари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. Энди фақатгина енг шимариб ишга киришиш керак.

Л. БЎРИЕВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ДАРГОҲ

Яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасининг яна бир тарихий ҳужжати — «1996-97 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бинобарин, «Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва абитуриентларни сифатли танлаш мақсадида» Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ушбу қарорда мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга айни бугуннинг ва истиқболимизнинг аниқ ва устивор режалари, вазифалари асос қилиб олинган.

Тошкент автомобиль-йўллар институтининг ректори, техника фанлари доктори, профессор Сарвар ҚОДИРОВ ўзи раҳбарлик қилаётган ўқув юрти жамоасининг фаолияти ва айни чоғда институтда олий таълимни такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган кенг миқёсдаги тадбирлар ҳамда бу жараёндаги ўзига хос ютуқ ва муаммолар хусусида фикр юритади.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги даврда республикамиз Президенти ташаббусига кўра олий мактаб тизимида мутахассислар тайёрлашнинг сифатини ошириш, уни жаҳон андозаларига жавоб беридагин даражага етказишга қаратилган туб ўзгаришлар ҳар жиҳатдан эътиборга моликдир. Чунончи, Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда матбуотда эълон қилинган «1996-97 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги барча эзгу саъй-ҳаракатимизни бирлаштирувчи, ишларни янада юқори ва нуфузли поғонага кўтарувчи муҳим ҳужжат бўлди.

Шуни айтиш жоизки, етук ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш — бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган асосий вазифа. Ана шу ҳаёт ҳақиқатини теран англаган институтимиз жамоатчилиги қўйилган вазифа талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатишга интилаяпти. Бу ерда даставвал, яъни 1992 йили ёшларнинг билим савиясини тест усулларини қўллаш орқали синаб талабалар сафига кабул қилиш бўйича олдингилардан бўлиб тажриба ўтказишга киришилди. ТАЙИ ва бошқа олий мактаблар натижалари ижобий бўлгани учун 1993 йилдан бошлаб бу усул кенг қўлланила бошланди.

Бу ўринда бир эзгу саъй-ҳаракатимиз ва унинг пировард натижаси хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Негаки, ишимизнинг самарадорлигини ошириш учун олий мактаб тизимининг ўзини бирмунча ўзгартириш, бунинг учун эса ташаббус ва ташкилотчилик билан фаолиятимиз қамровини кенгайтириш тақозо этилмоқда. Эндиликда у ёки бу йўналишдаги кафедралар фаолият вазифалари анча кенгайди. Улар ўз курсининг ўқув-тарбиявий ишлари билан жиддий шуғулланиб қолмасдан, ўз мутахассисликлари бўйича мактаблар ташкил этишни, ташаббускорликни қўлдан бермасликни давр ўзи тақозо этмоқда. Умумтаълим, умумтехникавий ва гуманитар фанлар бўйича педагогларни танлов асосида саралаб олишда ҳам уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Сир эмаски, ўтказилаётган ўқув машғулотлари, биринчи навбатда лекциялар самарадорлигини ошириш олий таълим ўқитувчиларининг маҳоратига ва изланишига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

Тест-96

Ҳамма ҳам тест синовида тўплаган балини ўзи ҳисоблаб билишни, албатта, хоҳлайди. Шундай экан, уни қандай билиш мумкин? Бунда сизга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест марказининг тест синовлари натижалари бўйича балларни ҳисоблаш алгоритми тафсилотлари аниқ ёрдам беради.

Таълимнинг ҳар бир йўналиши (ихтисослиги) бўйича тест фанлар мажмуалари (блоклари) кўзда тутилган бўлиб, унга икки ёки уч фан, ҳар бир фанга эса 36 та тест топшириғи киритилган. Бу билан ҳар бир фан «салмоғи» аниқ ихтисослик учун фаннинг боғланиш аҳамиятига кўра 1,1 балдан 3,1 балгача белгиланган.

Тест синови натижалари бўйича олинган балларининг ҳисоби

БАЛИНГИЗНИ ҲИСОБЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

мажмуа (блок)да ҳар бир фан ва унинг «салмоғи»га кўра тўғри жавоблар сонини жамлаш йўли билан амалга оширилади.

Тест блоки бўйича энг юқори балл ҳар бир фанга кўра берилган тест топшириқлари умумий миқдори жамламасига биноан, яъни 36 ва ҳар бир фан «салмоғи»га кўра белгиланади. Масалан, «математика» ихтисослиги бўйича энг юқори балл 36 х 3,1 (фан «салмоғи») = 111,6 + 36 х 2,1 (физика «салмоғи») = 75,6 + 36 х 1,1 (она тили ва адабиёт «салмоғи») = 39,6 = 226,8 балл.

Айрим ихтисосликлар бўйича ижодий имтиҳон топширувчилар ижодий имтиҳон натижасига кўра тест синовларида йиғиш мумкин бўлган (226,8) балнинг Одан 50 фоизигача, яъни Одан 113,4 балгача олиши мумкин.

Муддатли ҳарбий хизматдаги ва ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар қўшимча балл имтиёзлари оладилар. Бу баллар уларнинг тест синови балларига қўшилади. Имтиёзли баллар тест мажмуаси (блоки) бўйича балларнинг 10 фоизини ташкил этади.

Агар абитуриентлар ўз варақаларига тўғри жавоб ёзган бўлсалар ва ўқув юртидан Давлат тест маркази олган қайднома маълумотларига мос келган ҳолдагина ихтисосликдан ижодий имтиҳон баллари абитуриент учун ҳисобга олинади.

Ҳарбийлар, ҳарбий хизматдан запасга бўшатилган абитуриентларга ўқув юртларидан Давлат тест маркази олган тааллуқли рўйхатда кўрсатилган бўлсаларгина имтиёзли баллар ҳисобга олинади.

ДТМ.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ **«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркаларини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.**

❀ **Корея Республикасининг «ДЭУ» корпорацияси Президенти Ким У Жунга Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий профессори унвони берилди.**

❀ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш комиссияси мажлисида шу йилнинг биринчи ярмидаги ишларга якун ясалди.**

❀ **Россиянинг янги мудофаа вазири этиб Игорь Радионов тайинланди. А. Лебедь И. Радионовнинг номзодини қаттиқ қўллаб-қувватлаганлигининг боисини кўпчилик сиёсатчилар уларнинг Афғонистонда бирга бўлганлигида ҳамда унинг қаттиққўллигида, дея баҳолашмоқда.**

❀ **Ашхободдаги тожикларо музокараларда иккала томон ҳам бир-бирларига ён беришни исташмади. Яқинда Москвада ташкил этилиши кутилаётган Тожикистон Президенти И. Раҳмонов ҳамда тожик муҳолифатчилари раҳбари А. Нуримовнинг учрашуви кузатувчилар фикрича келишув омиллари юзасидан пухта тайёргарликдан сўнг бўлсагина бирор-бир амалий натижа бериши мумкин.**

❀ **Исроил давлат корхоналарининг ўн минглаб ишчилари Бош вазир Б. Натаняхунинг давлат харажатларини қисқартириш режаларига жавобан ўн соатлик иш ташлаш билан жавоб беришди.**

❀ **Япония адлия вазирлиги 1952 йилда қабул қилинган қўпорувчилик фаолияти тўғрисидаги қонунга биноан «АУМ синрикё» сектаси фаолиятини тўхтатиш ҳақида расмий талаб билан чиқди.**

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Кеча Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида XXVI ёзги олимпия ўйинлари бошланди. Аввал ёзганимиздек, 76 нафар ўзбекистонлик спортчилар бу спорт байрамига мустақил давлатнинг жамоаси сифатида биринчи бор қатнашишмоқда.

Биз уларнинг барчасига омад тилаймиз.

Абитуриент-96

ҚАЙНОҚ КУНЛАР НАФАСИ

Биз негадир баҳорни ёшлик фасли дея аташга одатланганмиз. Лекин, ёз-чи? Ахир узининг бетакрор, турли-турли хислатлари билан саратон кўпроқ ёшлик фасли унвонига лойиқ эмасми? Кунлари ёшлар нафасидай қайноқ, тунлари чарчоқ билмас навқиронининг оромидек бир тутам. Дарвоқе, жуда кўплаб ёш йигит-қизлар айнан шу фаслда сирли-сирли, саркаш-саркаш орзулар оғушида ўзига хос ташвишларга кўмилиб қуймаланиб қолишади. Кўпчилик севишганлар висол тўйларини шу фаслнинг бирор кунига белгилашади, бу фасл урта мактаб партасини тарк этаётган ўспирин хотирасига бутпарастларнинг ёқут кўзли маъбудидек ўрнашади.

Мана, айни кунда олий ўқув юртларининг йўлаклари ҳам бир кўзида ҳаяжон, бир кўзида ҳадик порлаган ёшлар билан гавжум. Уларни илмга, касб-ҳунарга бўлган чанқоқлик бу ерларга бошлаб келган. Эрта-индин бу ёшлар олий ўқув юрти талабаси номини олиш учун тест синовларидан ўтадилар: ё, насиб... Кимларга бахт кулиб боқар экан?

Кейинги пайтларда ўша даврнинг баъзи бир иқтисодий қийинчиликлари натижасида ёшларда илмга, ўқиб-ўрганишга, олий ўқув юртлари талабаси бўлишга қизиқиш кескин пасайди, деган гап-сўзлар ўрмалаб қолди. Афсуски, ҳужжат топшириш илинжида институтлар бўсағасида куймаланиб юрган тўп-тўп ёшлар бундай миш-мишлар асоссиз эканлигини кўрсатиб турибди. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетига ўтган йилнинг шу кунларигача 1362 абитуриент ҳужжат топширган бўлса, бу йил бу рақам 1902 тага етди. Тошкент давлат техника университетида ҳам ўтган йилнинг шу кунларига нисбатан бу йил қарийб 600 нафар ортиқ ёшлар талабаликка талабгорлик қилишмоқда. Шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида, Фарғона, Қарши давлат университетларида ҳам битта талабалик ўрнига 5-6 абитуриент, баъзи бир ихтисослар бўйича, ҳатто, 10-15 абитуриент ариза топширган. Бундай усиш, бундай кўтаринкилик пойтахтимиздаги ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги олий ўқув юртларида ҳам кузатилмоқда.

— Абитуриентлар оқими усишининг иккита бош сабаби бор, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий таълим бош бошқармаси бошлиғи Ф. Исматиллаев. — Биринчидан, ёшларимиз ўртасида тест синовларининг адолатли эканлигига ишончи тобора ортмоқда. Иккинчидан, ҳукуматимизнинг яқиндагина қабул қилган қарори ҳам илм олиш истагида юрган ёшларимиз кайфиятига кўтаринкилик, ғайратларига ғайрат қўшди.

Ҳа, ёшларимизда илмга интилиш ҳайратланарли даражада кучли. Уларнинг ҳаммаси ҳам иродали, собит ниятли ўспиринлар. Вақтинчалик юз бериб турган қийинчиликлар уларга тўсқинлик қилолмайди. Бир кун келиб бу ёшлар ўз орзуларига етишишига ишонамиз.

Лукмон БЎРИХОН,
«Маърифат» мухбири.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

БИР ЙЎЛА

Жанубий Африка республикасининг Президенти Н. Манделла Британиянинг саккиз университетидан кетма-кет саккизта фахрий докторлик унвонини қабул қилиб олди.

УНИВЕРСИТЕТ ОЧИЛАДИ

Бирлашган Араб амирлигининг Шарвон давлатида Бейрутдаги АҚШ университети ёрдамида янги Америка университетини очиш режалаштирилмоқда.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Чехия жумҳуриятининг Палаки университети олий таълимни янгилашда кўрсаттан хизматлари учун иккинчи бор Ганнах Аренд Аренд давлат мукофотига сазовор бўлди.

ОЛМАЙ ҚЎЙМАЙМАН

АҚШнинг Жонс хопкинс университетида курсдошини отиб қўйган талаба ўз қилмишининг раҳбариятнинг унга диплом топширмаслигига сабаб бўлолмаслигини оёқ тираб уқдирмоқда.

460.000 ДОЛЛАР

АҚШнинг уч олими Японияда энг катта мукофот ҳисобланувчи, ҳар бири 460.000 долларлик Киото мукофоти билан тақдирландилар.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ДИРЕКТОРЛАР МАКТАБИ

Раҳбар деганда барча олий фазилатларни имкони борича ўзида мужассам эта билган инсонни тушунган маъқул. Бўзликларнинг ҳам асосий ниятлари шу. Эзгу ниятни рўёбга чиқариш мақсадида яқинда бу ерда туман халқ таълими бўлимининг янги ўқув йилидаги фаолият йўналишлари ҳамда таълим жараёнига янги педагогик технологияни жорий этишга мўлжалланган директорлар ёзги мактаби ташкил этилди. Қувонарлиси шундаки, директорлар мазкур мактабдаги машғулотлар давомида келгуси ишларини обдон режалаштириб оладилар, бир қатор синовдан ўтадилар, қолаверса, тажриба алмашадилар.

ҲАММАБОП ҲАВАС

Бир киши ўзига оро бера бошласа ва покизаликка интилса, ҳамманинг ҳаваси келади. Тўғрида, бу ҳам беназир сиру синоат. Негаки бундай инсонлар саранжом-саришталикни кўпроқ хуш кўришади.

Дарвоқе, Навоий туманидаги мавжуд 26 та мактабнинг ҳаммаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Албатта, бу ишда ота-оналар, оталиқ ташкилотлари ҳам «қўл қовуштириб» ўтирмай, фарзандларига баҳоли қудрат бир дунё янгича гўзаллик, руҳий ором ато этишди. Мана, энди бу ўқув йилини ҳам ёруғ юз билан қаршиласа бўлади.

ХАЛҚАРО ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР

Ҳиндистон пойтахти Нью Дели шаҳридаги Ҳиндистон ахборот алоқалари институтида таълим олиш учун амалиётдаги журналистлар билан бирга ТошДУ журналистика факультети талабаларидан беш нафари ҳам жўнаб кетди. Мазкур илмгоҳда дарслар замонавий журналистика талабларига асосан, ва албатта инглиз тилида олиб борилади.

Дарвоқе, талабалар аввал халқаро диплом оладиган бўлишди. Чунки институт ўз битирувчиларига диплом ҳам беради.

Муаллифлар: Ҳ. АКБАРОВ, Н. ЎРОҚОВ, З. ҲАМИДОВА.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ДАРГОҲ

Боши 1-бетда

Жаҳон тажрибаларидан ва изланишларимиздан келиб чиқиб, яқинда бизда Тошкент автомобиль-йўллар институтини қўллаб-қувватлаш «Талаба» жамғармаси тузилди. Унинг мақоми (устави)да умумий қоидалар, жамғарма мақсадлари ва асосий вазифалари ўз ифодасини топган. Жамғарманинг мақсади аниқ— у ҳам бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида «Узавтосаноат» акционерлик жамияти, «Узавтотранс» ва «Узавтойул» корпорациялари, «Тошйўловчитранс» акционерлик жамияти ҳамда «Узбекистон ҳаво йўллари» ва бошқа нуфузли ҳамда обрўли ташкилотлар билан бирга узоқ муддатли манфаатлар йўлида ТАЙИни ривожлантириш шунингдек, талабалар, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Биринчи навбатда институтимиз талабалари, жамоасини турли шаклларда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқув, илмий ва ижтимоий-маиший йўналишдаги объектларни қуришга маблағ ажратишга кўмаклашиш, жамғарманинг махсус стипендияларини белгилаш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳамда талабалар ижодиётини маблағ билан таъмин этиб боришни йўлга қўйиш, институт учун зарур ва замонавий асбоб-ускуналар, материаллар, ҳисоблаш техникасини сотиб олиш ва бошқа шу каби хайрли мақсадлар кўзда тутилган. Энг муҳими— институтни автомобиль йўллар илм ва фанининг халқаро марказига айлантиришдан манфаатдор бўлган республикамизнинг барча ҳамда чет эл олимларининг эзгу саъй-ҳаракатларини бирлаштириш «Талаба» жамғармаси учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори институтимиз жамоаси томонидан қизғин кутиб олинди. Бу муҳим ҳужжат жамоамиз фаолиятида, шу кунларда қизғин давом этаётган муҳим давр-қабул пайтида дастуриламал вазифасини ўтайди. Шуни фахр ва ифтихор билан айтишимиз мумкинки, бизнинг институтимиз Узбекистонда энг кенжа ва навқирон, асосан автомобиль саноати ва халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун юқори малакали инженер-муҳандислар тайёрлайдиган Марказий Осиёда ягона олий ўқув юрти ҳисобланади. Бундан ташқари автомобиль транспортини эксплуатация қилиш, унинг иқтисоди, йўл қурилиши ва уни механизациялаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис-механик, муҳандис-қурувчи ва муҳандис-иқтисодчилар (менежмент ва маркетинг соҳалари бўйича) тайёрланади. Олий ўқув юртимизда 4 та факультет ва 15 та ихтисослик кафедралари мавжуд бўлиб, уларда 2 та академик, 24 фан доктори ва профессор ҳамда 180 дан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар юқори малакали мутахассислар тайёрлашда фаол иштирок этмоқдалар.

Институтимиз жамоаси «Абитуриент-96»—1996-97 ўқув йили учун талабаларни қабул қилишдек масъулиятли паллага ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан киришди. Айтиш жоизки, қабул бошланишидан анча илгари бу муҳим тадбирни ўтказиш учун аниқ режалар белгилаб олинган эди. Чунончи, абитуриентларни институт факультет ва кафедралари ҳаёти, шунингдек, уларни тест синовларини ўтказиш тартиб-қоидалари билан таништириш мақсадида июль ойининг дастлабки кунларида, яъни 6 июлда институтимизда «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Яна бир муҳим тадбир шу бўлдики, пулли-контракт асосида тармоқ корхоналари учун мутахассислар тайёрлаш учун аввало жойларда кенг тушунтириш ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Институтимизнинг ихтисослик кафедра профессор-ўқитувчилари бу соҳага мутасадди ташкилотларда, яъни корпорация, концерн, ассоциация ва кохоналарга хизмат сафарига юборилди. Албатта, ўзаро ҳамкорлик истиқболли натижалар бериши табиийдир. Зотан, ташкилотчилик бор жойда хайрли ишлар қамрови кенг бўлади. Буни олиб борилган ташкилотчилик ишлари натижаси ҳам яққол кўрсатмоқда. Шу ойнинг биринчи ҳафтасига қадар ўндан ортиқ йириқ тармоқ корхоналаридан, шу жумладан, «Узавтосаноат», «Узавтотранс», «Узавтойул», «Узтрансқурилиш», «Узавтотеххизмат», «Тошшаҳарйўловчитранс» сингари йириқ концерн, корпорация ва ҳиссадорлик Давлат уюшмаларидан 400 дан зиёд мутахассислар тайёрлаш учун буюртма тушди.

Институт ректорати, яъни раҳбарият ва қабул комиссиясининг нуфузли ва ташкилотчи аъзолари, вакиллари ҳар жиҳатдан масъулият билан иш юритишмоқда. Қабул комиссияси аъзолари абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш, тест синовларини муваффақиятли топширишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш, тест синовларига киритилган фанлардан консультациялар ўтказиш бўйича масъуллик билан иш олиб бормоқдалар. Бу ишларга тажрибали профессор-ўқитувчилар кенг жалб этилган. Абитуриентлар учун маиший шароитлар тўла-тўкис яратиб берилди. Овқатланиш тармоқлари ва ётоқхоналар, аудиториялар улар хизматида.

Олий ва ўрта мактаб интеграциялашни чуқурлаштириш, ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, янги турдаги таълим муассасаларини ташкил этиш— булар ҳам институтимиз жамоасининг доимий эътиборида.

Институтимиз қошида ихтисослашган лицей фаолият кўрсатаяпти. Лицейимизга 10-11-синф ўқувчилари жалб этилиб, уларга юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда таълим бериш ҳар томонлама пухта ташкил этилди. Не бахтки, янги ўқув йилидан бошлаб институтимизда коллеж ва гимназия очишни ҳам режалаштирганмиз.

Республикамизнинг турли вилоятларидан эзгу ният билан ўқишга келган барча абитуриент ёшларимизга тест синовларини муваффақиятли топширишда омад ёр бўлсин, деймиз.

С. ҚОДИРОВ,
Тошкент автомобиль-йўллар институти ректори, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ҲОМИЙЛАР ҲИССАСИ КАТТА

Ўғил-қизларнинг пухта билим олишлари ҳамда ўқув жараёнларининг самарали бўлиши мактабларнинг янги ўқув йилига қай ҳолатда тайёрланаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Хўш, мактабларда бу борадаги ишлар қай йўсинда олиб борилмоқда?

Зангиота туманидаги Ҳусан Абдуллаев номли мактабда бўлганимизда у ерда таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Мактаб таъмирига «Фаритал» ва «Адолат» фирмалари ҳомийлик қилмоқдалар. «Фаритал» нинг пол буёқлари, «Адолат» фирмасидан келтирилган 300 кг бўр, 200 кг дан ошиқ ҳар хил буёқлар таъмирлашда асқотяпти. Бироқ айни пайтгача Навоий жамоа хўжалиги мутассаддилари зиммасидаги ташқи оқартув ишларини уддалай олмаётганликлари ачинарли ҳолдир. Илм масканларини жамият қуркига айлантириш ҳаракати кечаётган бир замонда бундай лоқайдликни қандай изоҳлаш мумкин...

Улкан мақсадлар билан яшаётган мамлакатимиз учун, энг аввало, билимдон, зукко истеъдодлар зарур бўлади. Илм равнақи — эл равнақи эканлигини барча-барчамиз чуқур англаб етмоғимиз шарт.

— Аслида амалдаги таълим тизимининг асосий тамойиллари ҳам шу мақсадга қаратилган, — дейди биз билан суҳбатда мазкур мактаб директори Абдуқаюм ака Халилов. Масалага чуқурроқ ёндошсак, бир нарсага амин бўламиз. Ўқувчилар орасидан иқтидорлиларини саралаб олиш, уларни вақти-вақти билан рағбатлантириб туриш ижобий натижа беради. Алалхусус, бу жараён алоҳида эътиборни талаб этади.

Айни кунда ўқувчиларда аниқ фанларга қизиқиш катта. Кимё, биология предметлари бўйича 7-синфдан фанга йўналтирилган синфларимиз бор. Экспериментал 1-синфни муваффақиятли якунлаган 6 ёшли 22 ўқувчи 1996-97 ўқув йилидан 3-синфда ўқишни давом эттиришади.

Ўтган ўқув йилида она тили, адабиёт ва ижтимоий фанлар бўйича ўтказилган тест натижаларига мувофиқ 10-синфдан саралаб ўқитилган 21 ўқувчимизнинг 13 нафари олий ўқув юртлари, қолганлари тикувчилик ва тиббиёт билим юртларининг талабалари бўлишди. Одатда, муаллимлар ўқувчиларнинг камолини кўриб шодланади. Ўқув йили якунида 11-синфни (1 мақтов ёрлиги ва 6 фахрий ёрлиқ билан) тугатаётган илми толиблардан ҳам умидимиз катта. Хуллас, мактабимиз жамоаси келажакни ўйлаб янги ўқув йилини катта тайёргарликлар билан кутиб олишга ҳаракат қилишяпти.

Дилфуза АМИНОВА,
ТошДУ халқаро журналистика бўлими талабаси.

Юртимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг бой тарихи, маданияти қайта тикланиши баробарида ўлкамиз чиройи ҳам ўзига хос тарзда намоён бўла бошлади. Атрофингизга назар ташласангиз, ҳатто кўча кўйларимизда, хиёбонларимизда ҳам янгича либос. Айниқса, пойтахтимизда кетаётган улкан қурилишлар шаҳар жамолига жамол қўшмоқда. Қад кўтараётган бу бинолар қаторида мактаблар ҳам ўз тафти, ҳусни билан кишини ўзига тортади. Сиз суратда кўриб турган Сирғали туманида қурилаётган уч қаватли 1250 ўринли 114-мактаб биноси ҳам яқин кунларда улар сафига қўшилади.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бугуннинг гапи

КИМ КЎПРОҚ КИТОБ ЎҚИЙДИ?

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топмоқда. Иқтисодий ислоҳот ўзига хос синов майдонидир. Ҳозир кўпчиликнинг тижорат билан машғул бўлиб кетгани ҳам сир эмас. Тижоратчилар сафида ёшлар, хусусан, мактаб ёшидаги ўсмирлар ҳам бор. Гоҳида тижорат билан шуғулланаётган ўсмирларни кўриб, улар маънавий ҳаётдан узоқлашиб кетди, улар китоб ўқимайди, деб хулоса чиқарувчилар ҳам топилади.

Лекин бундай хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Эҳтимол, тижоратчи ўсмирлар орасида бу ишни ҳаётий заруратдан қилаётганлар, буш вақтларида бадиий асарлар мутолаа қиладиганлари ҳам кўпдир. Ахир, мактабга халта кўтариб бораётган ўқувчиларнинг бариси ҳам бадиий асар ўқийди, деб кафолат бера олмаймиз-ку. Умуман, ёшларнинг маънавиятга, китоб ўқишга муносабатлари қандай? Саволимизга Зомин тумани марказидаги 1 ва 34-мактаб ўқувчиларининг суҳбати асосида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Дилфуза ҚУРБОНОВА, 11-»Б» синф ўқувчиси: — *Китоб ўқиш менинг энг севимли машғулотим. Айниқса, бадиий асар кишининг ҳаётга муносабатини, мушоҳадасини бойитади. Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштиришда ёрдам беради. Ўзбек ёзувчиларининг асарлари — энг севимли китобларим. Ўзбек адабиёти бугунги кунда ҳаётни, инсон ички оламини ёритишда ўзига хос йўл ва овозга эга, деб ўйлайман.*

Шаҳноза САЛИМОВА, 10-синф: — *Бадиий асар ўқиб туриш керак. Китобни албатта қизиқиш, иштиёқ билан ўқиган маъқул. Менга ҳикоялар, қизиқарли романдар ёқади. Мен китобнинг ҳаётда тўғри йўл топиш, айниқса йигит-қизларни келгусида адашиб кетмасликларига ёрдам берадиган жиҳатларини ёқтираман. Ҳозирги тижоратга келсак, уни ҳам қоралаб бўлмайди. Агар зарурат туғилса мен ҳам савдо иши билан шуғулланишим мумкин. Савдо-сотиқ ишлари менимча бадиий мушоҳадага, китоб ўқишга халақит бермайди.*

Дилдора ОХУНОВА, Наргиза УМАРОВА, 10-синф: — *Бадиий асар ўқимайдиган ўқувчи ва тенгдошларимизнинг келажаги қандай бўлишини тасаввур эта олмаймиз. Чунки биз одамийликни, ота-онага муносиб фарзанд бўлишни китоблардан ҳам ўрганамиз-ку. Биз шу кунгача Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ўткир Ҳошимов, Миркарим Осим, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Тоҳир Малик асарларини ўқиб чиқдик. Чет эл адабиёти ҳам бизни қизиқтиради. Т. Драйзернинг «Америка фожиаси» романи бизда катта таассурот қолдирган. Ҳозирги иқтисодий шароит тақозоси билан кўпчилик ўқувчилар китобни кам ўқимоқда. Бу жараён албатта ўтиб кетади.*

ҲАСАН, этикдўз: — *Агар ўқишни давом эттирганимда 10-синфда ўқиган бўлар эдим. Ҳозир буш вақтларимда китоб ўқийман. Этикдўзлик ота касбим. Ҳунарни қанчалик эрта эгалласа, шунчалик яхши. Кўпчилик ҳунарманд билан тижоратчи орасидаги фарқни ажрата олмайди. Ҳунарманд пул топиш учун эмас, ота касбини ерда қолдирмаслик учун шу соҳани танлайди. Ҳозир унча-мунча пул топаман. Оиламга нафим тегмоқда. Этикдўзлик касбини эгаллаганлигимдан нолимайман. «Ҳунарли хор бўлмас» деган нақл яшаш шиоримга айланган.*

НАСИМ, тижоратчи: — *Тўғриси мактабда ўқишга тоқатим йўқ эди. Шу сабабли тижоратга ўтиб кетдим. Лекин, тижоратчига ҳам осон эмас экан. Кун бўйи оёқда туриб чарчаб қоламан. Китоб олишга, ўқишга вақтим ҳам, хафсалам ҳам қолмайди. Ҳозирча куним утаяпти. Эртага нима бўлади, худо билади.*

Биз юқоридаги фикрларга асло муносабат билдириш тарафдори эмасмиз. Ҳар ким ўз фикри, сўзини айтиш имконига эга. Ёшлар, ўқувчилар китоб ҳақида, маънавият ҳақида ўз фикрларини айтишди. Лекин катталар-чи? Катталар китоб ўқияптими? Бу ҳақда ҳам узил-кесил фикр айтишдан йироқмиз. Жавоб тариқасида айрим рақамларни келтирмоқчимиз, холос. Зомин тумани бўйича мавжуд кутубхоналарда 217144 дона китоб бор. Китобхонлар сони 22020 нафарни ташкил этиб, унинг 13464 таси бевосита мактаб ўқувчиларидир. Бу рақамни янада ойдинлаштиралиган бўлсак, Даштобод шаҳридаги 1746 нафар китобхоннинг ҳаммаси мактаб ёшидаги ўқувчилардир. Узоқ тоғ орасидаги Толли қишлоғидаги 509 нафар китобхоннинг 343 нафари мактаб ўқувчилари ҳиссасига тўғри келади. Мана энди ким кўпроқ китоб ўқиётганлигига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Лекин якуний хулоса чиқаришга шошилманг. Ўқувчилар баҳоли қудрат китоб ўқимоқда. Сиз, биз — катталар-чи? Мутолаа қилишни тўхтатиб қўймадикми? Шу саволга жавоб қайтарсангиз, юқоридаги саволларга тўғри жавоб бериш йўлини топган бўламиз.

Бозор муносабати қарор топмоқда. Бу — ҳаёт бозор дегани эмас. Ҳар қандай жамият, шароитда ҳам маънавият йўқолмаган ва йўқолмайди. Китоб ўқиш эса асло ёш танламайди. Биз шуни эсдан чиқармасак бас!

Абдусаттор СОДИҚОВ.
Жиззах вилояти.

Қутлов

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ИНСОН

Инсон дунёга келаркан, эзгу ниятлар, юксак орзулар билан яшайди. Орзуларга эришиш эса ўз-ўзидан бўлавермайди. Бунинг учун тинмай меҳнат қилиш, изланиш, турли тўсиқларни енгиб ўтиш керак бўлади. Халққа хизмат қилиш, унинг қувонч-ғамига шерик бўлиш, «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш»ни ният қилиб, ўз орзусига эришган инсонлардан бири Гулистон давлат университети ректори Рисбой ака Жўраевдир.

Рисбой Жўраев 1946 йилнинг 25 июлида Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги «Малик» совхозидаги сўлим гўшаларнинг бирида таваллуд топди. 1963 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Политехника институтига йўл олган йигит кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, Талабалик йиллари таассуротларга бой бўлди. Р. Жўраев 1968 йилда ўқишни аъло баҳоларга битиргач, иш фаолиятини мазкур институтда ўқитувчиликдан бошлади. 1968-1971 йилларда институт қошидаги аспирантурада ўқиди, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. Ёш олим бир неча йил мобайнида масъулиятли лавозимларда ишлади. 1989-1992 йилларда у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маданият, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимини бошқарди. Р. Жўраев ушбу лавозимда ишлаган вақтида республикада халқ таълимини ривожлантиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Жумладан, у ишлаш билан бирга, чет эл олий ўқув юртларида тест усулида имтиҳонлар қабул қилиш масалаларини ўрганиб чиқиб, бу усулни 1991-1992 йилларда республикамизнинг 19 та олий ўқув юртида қўлланишида асосий ташаббускорлардан бири бўлди.

1992 йилнинг ноябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Р. Жўраев Гулистон давлат университетининг ректори этиб тайинланди. У университетга келгач, ўқув, илмий, тарбиявий ишларни ҳозирги замон талаби даражасига кўтаришга ҳаракат қилди. Унинг бевосита бошчилигида университетда республика ўқув юртлари ичида биринчи бўлиб имтиҳонларни тўла тест-рейтинг усулида қабул қилишга эришилди.

Р. Жўраев университетнинг илмий потенциалини кўтариш, маҳаллий ходимлардан илмий даражали мутахассислар тайёрлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шу боис унинг ташаббуси билан 1993 йилда Гулистон давлат университети қошида аспирантура очилди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ва адабиёти, биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, педагогика, филология, ўқитиш услуби ихтисосликлари бўйича бу ерда 29 аспирант таҳсил олмоқда.

Ўзи эса 1995 йилнинг кузида Р. Жўраев Санкт-Петербург шаҳрида «Касб таълими билим юртларида касбга тайёрлаш системасини интенсификациялашнинг ташкилий-педагогик асослари» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб қайтди.

Истеъдодли педагог Р. Жўраев бугунги кунда университетда «Меҳнат ва умумтехника фанлари» кафедрасининг профессори сифатида талабаларга муҳандислик сир-асрорларини ўргатмоқда. Мана, 28 йилдирки, олий халқ маорифи соҳасида оғишмай меҳнат қилиб келмоқда. Шу давр мобайнида у 70 дан ортиқ мақола, 11 монография ёзди.

Рисбой ака ҳалол меҳнатларига яраша бир неча марта республика олий нишонларига сазовор бўлган.

Р. Жўраев эндигина 50 баҳорни қаршилади. Унинг юксак билим ва ноёб истеъдоди, катта ташкилотчилиги ва ишбилармонлиги мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлашга ҳали кўп бора қўл келади. Биз жамоамиз номидан юбилярга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, илмий ва ижодий ишларида баркамоллик тилаб қоламиз.

Ҳамид ЁДГОРОВ,
Гулистон давлат университети ўқитувчиси.

Давра суҳбати

ҲАҚИҚАТ БАҲСДА ТУҒИЛАДИ

Газетамизнинг шу йил 12 июнь сонида «Кечки мактаблар ҳақида ўйлар» сарлавҳали мақола босилган эди. Мақола муаллифи — Бухоро вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтининг кечки мактабларни бошқариш кабинети мудири Шавкат Ҳамидов муҳим муаммони ўртага қўйди: кечки мактабларнинг негизи бор, моддий базаси-чи? Умуман, кечки мактаблар зарурми, унга эҳтиёж сезиладими? Таълимнинг бу усули андак эскириб қолмадимикин? Айрим жойларда катталар таълим маркази ҳам ташкил этиляпти. Уларнинг қайси бирини танлаган маъқул?

Муаллифнинг чиқиши «реакция» берди. Республика Халқ таълими вазирлиги бу масалага жиддий эътибор қаратди. Яқин орада бир тўхтамга келинади. Вазирликнинг ўрта умумий таълим бош бошқармасида бўлиб ўтган давра суҳбатига ҳам бу масала мавзу қилиб олинди. Фикрлар хилма-хиллигига йўл очиқ. Кечки мактаблар халқ таълимини эскирган усули бўлиб қолганлигини айримлар эътироф этишса, бошқалар унинг ўзгачароқ шаклини ўйлаб топиш керак, дейишмоқда.

Хуллас, ҳақиқат баҳсларда туғилади. Давра гурунгидаги таклифлар, муноазараларни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Х. МАЪСУДОВ, республика халқ таълими вазири ўринбосари:

— Кечки мактабларнинг обруси тушиб кетди. Нима қилиш керак? На у ёқли, на бу ёқли бўлгандан кўра, обрусини ё тиклаш керак, ёки улардаги иш жараёнини бошқачароқ ташкил этиш лозим.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосан, 9-синф мажбурий таълим бўлиб қолмоқда. Ёшларимиз 9-синфни битиргандан сўнг «бекорчига» айланяпти. Менинг назаримда, бунинг битта йўли бор. Катталар таълим марказига бундай ёшларни жалб қилиш керак. Аммо КТМ жойга, муҳитга боғлиқ ҳолда ташкил этилса, мақсадга мувофиқдир. Яъни айрим катталар таълим марказида жойларда эҳтиёж бўлмаган касб-ҳунар қалбаки тарзда ўргатилиб, ўқувчиларга диплом берилган.

Г. АЛИМОВА:

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даври кечки (навбатли) мактаблар, катталар таълим марказлари фаолиятини янада яхшилаш, улар моддий базасини мустаҳкамлаш ва ўқув-тарбия ишларини юқори савияда ташкил этишни талаб этмоқда.

Янгидан ташкил этилган КТМларида ёшларга ўрта таълим бериш билан биргаликда касб-кор куникмаларини ҳам шакллантириб бормоқда.

Аммо ўтказилган мулоқотлар, текширув ва таҳлиллар айрим кечки (навбатли) мактаблар ва КТМлар бугунги кун талабига жавоб бера олмаётганлигини кўрсатмоқда. Бу жойларда вазирликнинг 1995 йил 4 июль 6/3-сонли «Янги турдаги катталар таълим марказлари, ҳунар билим юртлари ва мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида»ги ҳайъат мажлиси қарорига тўлиқ амал қилмаётганлигидан далолат беради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, катталар таълим марказлари ва кечки (навбатли) мактабларнинг фаолиятларини янада яхшилаш ва такомиллаштириш керак.

Т. ПЎЛАТОВ, Тошкент шаҳридаги 45-катталар таълим маркази директори:

— Бир қанча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда таълим марказимизни очишга киришган эдим. Тўққиз йил бўлди, ишқилиб, ишларимиз чакки эмас.

Менимча, катталар таълим марказини саноат, транспорт соҳалари яхшигина ривожланган шаҳарларда очган маъқул. Бунда унинг зиммасига бир талай вазифалар юкланади. Яъни қандай?

Аввало рақобатли касб эгаларини кўпроқ тортиш керак. Катталар таълим маркази ишини комплекс, яъни бир бутун ҳолда ташкил этишга эришмоқ даркор. Масалан, ўрта маълумот олган йигит-қиз ёшлигидан бир касбни эгалласа ёки унга қизиқса, таълим марказида ҳам ўша соҳани такомиллаштиришига имкон яратиб бериш лозим. Бериладиган ҳужжатлар — гувоҳномалар марказлаштирилиши зарур. Ва ниҳоят энг сўнгги вазифа — лотин ёзувини ўрганишга ўқитувчилар, тингловчиларни кескин жалб қилиш шарт. Токи мутахассисларнинг тайёргарлик даражаси талабга жавоб берсин.

А. РАҲИМОВ, Сирдарё вилояти халқ таълим бошқармасининг кечки ва катталар таълим марказлари билан ишлаш бўлими мутахассиси:

—Менинг фикримча, бошқармалар штат масаласини чуқур таҳлил қилиб чиқиши керак. Кечки мактабларни дуч келган жойда эмас, вилоят марказларидагина очган маъқул.

С. НАСИМОВ, Қашқадарё вилояти ХТБ етакчи мутахассиси:

— Вилоятимиз ҳудуди кенг. Бу эса халқ таълимини ривожлантириш учун анча қийинчиликлар туғдиради. Бизда 7 та кечки мактаб мавжуд. Умумтаълим мактаблари қошида 145 та кечки синф ташкил қилганмиз. Кейинги йилларда олтита катталар таълим маркази вужудга келди. Менинг фикримча, кечки мактаблар касб-ҳунар эгаллашга ёрдам берадиган марказ бўлиши керак.

Т. ЖАЛИЛОВ, Тошкент вилояти ХТБ етакчи мутахассиси:

— Катталар таълим маркази аслида кечки мактаблар негизида пайдо бўлди. Кечки мактабларни батамом тугатиб, КТМга айлантириш керакка ўхшайди. Бу марказда таълим икки йилликка айлантирилиб, шу асосда иш олиб борилса, ўйлайманки, бу ер ёшлар оқиб келадиган жой бўлиб қолади. Асосан КТМдан касб-ҳунар таълимига кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирги вақтда айрим жойларда 7-8-синф маълумотига эга йигит-қизлар кечки мактабларга қабул қилинаяпти. Бу — қоидага хилофдир. Кечки таълимни 9-синфдан бошлаган маъқул. Чунки 7-8-синф ўғил-қизлари пишиб етилмаган «ғўра». 9-синфда эса улар аста-секин етила бошлайдилар.

М. ЖУМАНАЗАРОВ, Хоразм вилояти ХТБ бошлиғи:

— Бу йил воҳамизда 26 минг нафар ўқувчи 9-синфни битирди. Шулардан 10 минг нафари ҳар хил курсларга кириши, мактабда ўқишни давом эттириши мумкин. Қолганлари-чи? Менимча, уларни КТМга қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Фақат улар ХТБ қошида очилган бўлсин. Вилоят ХТБларининг ҳуқуқи қонун билан кафолатланишини ёқлайман.

Х. МАЪСУДОВ:

— Насимовнинг фикрига қўшилолмайман. Чунки КТМдаги муддат икки йил деб белгиланса, бу жуда қисқа ва бунда ўрта маълумот ҳамда касб ҳақидаги ҳужжатни бериш ҳам ғунчалик тўғри эмас.

***

... Кўпчиликдан кўп фикр чиқади. Ҳар бирининг замирида асосли гап борга ўхшаб туюлади. Қиссадан ҳисса тариқасида масала қўндаланг бўлиб турибди. Қайси бири маъқул: кечки мактаблармi ёки катталар таълим марказими?

Давра суҳбати иштирокчилари хулосаси хилма-хиллигича қолди. Аммо уларни бир ипга тизган каби умумлаштириш мумкин. Халқ таълими вазирлигининг аниқ хулосаси акс этган ҳужжат—буйруқ чиқариш мўлжалланяпти.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг буйруғи чиққанлиги ҳақида таҳририятимизга маълум қилишди.

Буйруқда таъкидланишича, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими, бошқармалари бир ой муддат ичида кечки (навбатли) мактаблар фаолиятини чуқур таҳлил қилиб чиқишлари керак. Етарли моддий базага эга бўлган бундай мактабларни катталар таълим марказига айлантириш кўзда тутилади. 1996—97 ўқув йилидан бошлаб талабга жавоб бермайдиган кечки (навбатли) мактаблар иш фаолияти тўхтатилади. Туман (шаҳар)ларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни хоҳловчи ўқувчилар сони етарли бўлган шароитда кундузги умумтаълим мактаблари ва катталар таълим маркази қошида кечки (навбатли) синфлар очиш чора-тадбирлари амалга оширилади. КТМларида имконият ва ижтимоий эҳтиёжга қараб ёшларга умумий ўрта таълим беришдан ташқари Халқ таълими ва Меҳнат вазирликлари ҳамкорлигидаги айрим касбкорларга ўқитишга рухсат берилади.

Халқ таълими вазирининг ушбу буйруғида ташкилий масалалар билан боғлиқ бошқа вазифалар ҳам белгилаб берилган. Энди мазкур буйруқ асосида ишнинг бориши, жойлардаги узгаришлар ва келаётган самаралар ҳақида «Маърифат»сиз азиз таълим фидойилари билан фикрлашади, ўртоқлашади.

Давра суҳбатини махсус мухбиримиз Ҳ. ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Иқтисод сабоқлари

МЕҲНАТ БИРЖАСИ НИМА БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ?

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигини ривожлантириб, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва иш билан таъминлаш, шу орқали ишсизликнинг олдини олиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳисоб-китобларга қараганда республикамизда ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бу муаммолардан қутилиш учун, энг аввало, республикамиз халқ хўжалигини юритишнинг янги механизмларини ўйлаб топиш, мавжуд бўлган кичик корхоналарни, хусусий хўжаликларни ва миллий ҳунармандчилик тармоқларини тезкорлик билан кенгайтириш ва тезлик билан янгиларини ташкил этиш керак бўлади. Бу эса аҳолига истеъмол молларини кўпайтириб бериш билан бирга, иқтисодий инқироздан чиқиш имконини ҳам беради.

Меҳнатга лаёқатли бўлса-да, иш жойига эга бўлмаган киши ишсиз ҳисобланади. Аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ва ишчи кучи таркибига киритилмайдиган қисми — ўқитувчилар, нафақадорлар, уй бекалари, ногиронлар, болалар ва ўсмирлар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз кишилар эса ишсиз ҳисобланмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат биржаларига мурожаат қилиб, «ишсиз» деган мақомни олган фуқароларгина ишсиз ҳисобланади. Ишсизлик учта асосий турга бўлинади: фрукцион, структуравий ва циклик ишсизликлар. Булардан ташқари очиқ ва яширинча ишсизлик кўринишлари ҳам мавжуд.

Олиб борилган илмий изланишларнинг кўрсатишича ишсизликнинг зиддиятли ривожланиши ҳаммавақт ҳам салбий оқибатларга эга бўлавермайди. Хусусан, агар ишсизлик 6-7 фоизни ташкил этса ҳамда улар асосан фрукцион ва структуравий турларга мансуб бўлса, иқтисодиёт самарали бўлиши мумкин деб ҳисобланади. Бунинг устига қасбни ўзгартириш ва аҳолини қайта жойлаштириш билан шартланган ишсизлик иш билан банд кишилар учун бир қадар рағбатлантирувчи роль ўйнайди. Бундай ҳол кишиларни ишдан маҳрум бўлиб қолмаслик учун ҳам ўз касб-корларини, қўникмаларини такомиллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга мажбур қилади.

Меҳнат биржаларида ишсизликларни аниқлаш, ишга жойлаш, қайта тайёрлаш каби муаммолар ҳал қилинади. Меҳнат биржалари Давлат меҳнат тизимининг бошланғич қисми бўлиб, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда Узбекистон Республикаси меҳнат вазирлигининг қўйи ташкилоти ҳисобланади. Ишчи кучларини қайта тақсимлаш жараёнида ишчи кучларини илгариги иш жойидан бўшаган, яъни ишчи кучларидан фойдаланиш фазасидан чиққан вақтдан бошланади. Ишчи кучларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бандлик хизмат ташкилотлари ва меҳнат биржалари орқали амалга оширилади. Республикамизнинг аҳоли сони 50—100 минг бўлган туман ва шаҳарларда ишга жойлаштириш бюролари ташкил этилди, кам аҳолили ҳудудларда, эса унинг филиаллари ишга туширилди.

Ҳозирги даврда давлат бандлик сиёсатининг асосий йўналиши банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, профессионал тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан иборат. Бугунги кунда бу йўналишда ишсизларга ва биринчи марта ёки такроран иш қидириб юрган шахсларни ишга жойлашишига ёрдам берувчи давлат бандлик хизмати ва биржалари ишлаб турибди. Бизнинг фикримизча, давлат бандлик сиёсати бозор шароитида ишсизлар сонининг ошиб кетмаслигини олдини олиб, ишсизларни вақтинча бандлик билан таъминлаш учун бир неча йўриқномалар ишлаб чиқиши лозим:

1. Жамоат ишлари йўриқномаси:
2. Ёшлар учун профессионал тайёргарлик йўриқномаси.
3. Узоқ вақт иш жойига эга бўлмаган ишсизларга ёрдам йўриқномаси.

Жамоат ишлари малака талаб қилмайдиган ишлардан иборат бўлиб, у икки турдаги ишларни қамраб олиши мумкин:

Ортиқча иш кучларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш. Бунга йўллар қуриш, сув ишлари, катта маблағ талаб қилмайдиган уй-жой, мактаб қурилишлари, ўрмон хўжалиги, қурғоқчилик ва табиий офатларга қарши курашиш каби ишлар киради. Шаҳар жойларида эса йўлакларни тозалаш, мактаб ва касалхоналар ҳудудларига ишлов бериш ва болалар боғчаларида ишлашни ташкил этиш каби ишларни қўшиш мумкин.

Қария ва ногиронларга хизмат қилиш, касалларга хизмат қилишда ёрдам бериш, болаларни назорат қилиб туриш каби ишларни ташкил этиш мумкин. Шу билан бирга жамоат ишларида қатнашувчи шахсларнинг ишлаш муддати чегараланган ва кун тартибини шундай тузиш керакки, иштирокчини доимий иш жойи қидириш учун ҳам етарли вақти бўлган.

Ёшларни профессионал тайёрлаш ва малакасини оширишга ёрдам бериш давлат бандлик сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Ёшлар учун жамоат ишларини ташкил этиш мактаб умумтаълимини тугаллаши ва доимий бандликка ўтиши орасидаги бўлган қисқача вақтдир.

Халқ хўжалигига янги ахборот технологияларининг жорий қилиниши ишчи кучларидан юқори малака ва профессионал тайёргарликни талаб қилиши, биринчи навбатда ёшлар орасида ишсизликнинг ўсишига олиб келади.

Ёшлар учун ишсизлик нафақалари белгиланган тақдирда ҳам, асосий эътиборни ишга жойлаштиришга ёки профессионал тайёргарлик олиши учун уларга шароит яратиб беришга қаратиш лозим бўлади. Ёшларни профессионал тайёрлаш қонун чиқарувчи ташкилотлар ишлаб чиққан ва қабул қилган йўриқномалар асосида ёки давлат корхоналарни биргаликдаги иштирокида ташкил этиш мумкин.

Худди шунингдек ёшларни корхоналарда шогирдлик тизимини жорий қилиш йўли билан ҳам профессионал тайёрлаш мумкин. Бу ҳолда ёшлар учун тўла бўлмаган иш вақти белгиланиб, иш жойларида ўқитишни ҳам ташкил этиш керак. Бундай корхоналар ҳар хил солиқлардан бутунлай ёки қисман озод этилишлари лозим бўлади.

Узоқ вақт иш жойига эга бўлмаган ишсизлар ўзига хос бир муаммо бўлиб, улар кўп вақт иш қидириш натижасида ишлашга бўлган муносабатлари сусайиб кетади. Ишсиз қанчалик узоқ вақт иш қидириб юрса, ўзининг профессионал маҳоратини шунчалик тез йўқотиб боради ва ишга қабул қилувчиларнинг ҳам уларга эътибори камаяди. Натижада ишсиз шахс учун қурашнинг номақбул йўлларига ўзини қурбон қилади. Бундай ишсизларни бартараф қилишнинг йўли уларни жаомат ишларига тортиш, улар билан суҳбатлашиб туриш, ишсизлик нафақасини тўлаш, корхона ва ташкилотларда вақтинча бандлик билан таминлашдан иборат. Ишчилар керакли малакаларини олганларидан кейин, шу ерга доимий ишга ўтиш ёки бошқа бир корхонадан иш топиб ишлашлари мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитига меҳнат биржасининг кириб келиши ишсизликни бартараф қилиш йўлида бандликни янгидан-янги ташкилий тузилишларини, вазифаларини кўриб чиқишни талаб қилади. Меҳнат ресурсларини ва аҳолини бандлик билан таъминлаш, хўжалик тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришда меҳнат бандлик хизмати ва меҳнат биржалари муҳим ўрин тутади.

Меҳнат биржаси ишчи, хизматчи ва корхона эгаси ўртасида иш кучини сотиш ва сотиб олиш бўйича келишувни амалга оширишда мунтазам воситачи вазифасини ўтайдиган махсус муассасадир. Бу муассаса ишсизликни ҳисобга олиб боради. Улар орқали ишсизларга ёрдам пули ва ишёлардан иборат нафақалар бериш, вақтинча иш, ётоқ билан таъминлаш, янги ишчи касбларига тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тадбирлар амалга оширилиши керак.

Ҳозирги кунда республикамизни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш учун аҳолини тўлиқ иш билан таъминлашимиз зарур. Бунинг учун бизга, албатта, қўшимча иш жойлари керак бўлади. Қўшимча иш жойларини биз кичик корхоналар кўпайтирилган тақдирдагина топишимиз мумкин.

Республикамизда кўп йиллар давомида фақат йирик корхоналар бунёд этишга эътибор берилди. Кичик ва ўрта корхоналар қурилиши эса инкор этилди. Оқибатда четдан минг-минглаб ишчи кучи келтирилиши ҳисобига қишлоқдаги ёшлар ёқорчилар сафига қўшилиб қолаверди. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар «гигант»чиликдан аллақачон қутилишган. Бу соҳада жаҳон тажрибасидан ўрнак олиш мумкин. АҚШ да умумий саноат ишлаб чиқаришининг 48 фоизи, Японияда 51 фоизи, Францияда 45 фоизи, Германияда 25 фоизи кичик корхоналар чекига тушмоқда. АҚШда ҳозир жами 18 миллион кичик корхона ишламоқда. Бизда эса ҳозирча 500 минг кичик корхона фаолият кўрсатаётир. Булар ҳам талабдагидек фаол ҳаракат қилаётганлари йўқ.

Аҳолини иш билан таъминлаш учун, аввало, жойлардаги барча корхона, ташкилот ва хўжаликлар «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси қонунида қайд қилинган асосда ойма-ой бўш ўринлар ҳақидаги маълумотни бериб боришлари зарур. Ана шундагина аҳолини иш билан таъминлаш меҳнат биржалари учун анчагина осон кўчади. Меҳнат биржаси ўзининг бандлик дастурига эга бўлгани ҳолда ана шу дастур асосида иш олиб бориши керак. Ушбу дастурда қайд қилинган барча кўрсаткичлар ойма-ой таҳлил этиб борилиши зарур.

Бизнинг фикримизча, саноат ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг кўп меҳнат талаб қиладиган соҳаларини жадал ривожлантириш, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, шу билан унинг турмуш даражасини оширишга эришиш, қишлоқ жойларида ишнинг мавсумийлигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ҳисобига янги иш жойларини вужудга келтириш лозим. Қишлоқ жойларида завод ва фабрикаларнинг шахобчаларини, йирик саноат корхоналарининг цехларини очиш, қишлоқларда азалдан шуғулланиб келинган маҳаллий ҳунармандчилик фаолиятини кенгайтириш ва унга бозор руҳини бериш лозим. Бу ўринда, айниқса, кўп болали аёлларни, нафақахўрларни, балоғатга етмаган болаларни, ногиронларни ўзларига маъқул бўлган ишлар билан шуғулланишларига барча имкониятлар яратилиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ечимини топганимиздагина республикамизда ишсизлар ва ярим ишсизлик муаммосини ҳал қилган, яъни ишчи жойлари ва сони билан меҳнат ресурслари ўртасидаги мувофиқликка эришган бўламиз. Бу эса мамлакатимизда яшовчи барча аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини оширади. Бунинг учун меҳнат бозорини тартибга солиш ҳамда иш билан таъминлаш соҳасида фаол сиёсат юритиш, республиканинг иш кучи ортиқча бўлган туманларида кичик ва ўрта корхоналарни усту даражада ривожлантириш ҳисобидан янги иш жойларини яратишни рағбатлантириш керак. Меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга ва шу тарика ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда меҳнат биржасининг асосий вазифаларидан бири бандлик соҳасига таъсир қиладиган салбий оқибатларни бартараф этиш, иш кучларини лаёқатларига қараб иш билан таъминлаш, корхона ва ташкилотларга малакали мутахассисларни етказиб бериш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган қатламлари ҳисобланган аёллар, ногиронлар ва ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишдан иборатдир. Бунинг учун меҳнат биржаси меҳнат бозорида бўлаётган ҳамма янгилик ва ахборотларни — саноат тармоқлари, ҳудудлари ва касблар бўйича кейинги ривожланишларни ҳисобга олиш, иқтисодий тармоқлар ва малакалар бўйича кейинги ривожланишларни ҳисобга олиш, иқтисодий тармоқлар ва малакалар бўйича иш кучларининг талаб ва таклифларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишга асосий эътиборни қаратмоғи лозим.

Нутфулла ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Август кенгашларига

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БИРЛИГИ

Янги ўқув йилининг муқаддимаси — Август кенгашлари унинг ҳар бир иштирокчиси учун янги педагогик билим ва тажрибалар билан қуролланишга, таълимнинг методик асосларини чуқурроқ англашга ва ижодий изланишга имкон беради. Ана шу имконни яратиш учун кенгашнинг барча шўъбаларида бўлганидек, бошланғич таълим шўъбасида ҳам ўқитиш санъатининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинади. Бу ўринда, айниқса, таълим-тарбия бирлиги ва унинг методик асосларга эътиборни қаратиш муҳимдир.

Маълумки, таълимнинг янги тизими бошланғич синф ўқитувчилари олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу вазифларни амалга оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати, ижодкорлиги, болаларни севиш санъати ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Зотан, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига таълим-тарбия беришнинг ўзига хос педагогик, психологик жиҳатлари мавжуд. Бу жиҳатлар болалар жамоасини ташкил қилиш, уни тўғри бошқариш, ҳар бир болада ўқиш ва ўрганишга қизиқиш, ҳоҳиш, ихтиёр-эътиқод уйғотиш билан характерланади. Бунда айниқса, болалар соғлигини тўла муҳофаза қилиш, мавжуд имкониятлар ҳамда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнига ёндашиш зарур. Бундай масъулиятли ишда ўтмиш тарихимиз, маданиятимиз ҳақидаги маълумотларга мурожаат этиш, халқ педагогикаси дурдоналаридан унумли фойдаланиш, алломаларимизнинг фарзандлар тарбиясидаги насиҳатларига амал қилиш, бой тажрибаларини амалда қўллаш, шарқона урф-одатлар, бой анъаналар асосида болаларга таълим-тарбия бериш йўлларини излаш лозим.

«Таълим тўғрисида» ги Қонунда: «Ҳар бир боланинг тўлақонли ривож топиши учун бор бўлган имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда уларни ҳар томонлама камол топишларини таъминлаш лозим», — деб уқтирилади. Зеро, таълим ишининг самарадорлигини ошириш учун аввало, ўқитиш дарсларини тўғри танлаш лозим. Ўқувчиларнинг қабул қилиш имкониятларидан келиб чиқиб ҳамда таълим давлат мезони талаблари асосида берилaдиган билим ва малакаларнинг яхлитлигини таъмин этиш керак. Мукаммал тарздаги билим бериш учун эса фанлар орасидаги ўзаро боғлиқликни юзага келтириш, болаларда ўрганаётган билимлар тизимини босқичма-босқич ўрганиб олишига эришиш лозим. Бу ўринда кўпроқ ўйин-машғулотлардан унумли фойдаланиш, айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Ўйин-машғулотлар - бу ҳаракатли таълим беришдир. Улар турли хилдаги бошқотиргичлар, баҳслар, топқирлик ўйинларидан иборат. Аввало, булар болаларга жуда манзур бўлади ва ўйин-машқларни улар ёқтириб - бажарадилар. Таълимнинг бундай усуллари АҚШ, Олмония ва Япония мактабларида ҳам кенг қўлланаётганлиги ва яхши самара бераётгани эндиликда сир эмас.

Ўқув фаолиятини айнан ўйин доирасидан келиб чиқишини ташкил этиш орқали болаларда ўз-ўзини бошқариш, назорат қилиш, баҳолаш, кузатувчанлик, ирода, қатъиятлилик сифатларини , ташаббускорликни юзага келтириш мумкин. Энг муҳими, уларда мустақиллик ва барқарорлик фаолияти шаклланади. Бу эса болаларни таълим жараёнида фаоллик курсатишга тайёрлайди. Болада меҳнатсеварлик фаолияти ҳам айнан шу ўйинлар жараёнида пайдо бўлади ва у таркиб топади.

Ўйин ва меҳнат— эгизак. Уларни уйғунлаштириш эса ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Болада меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, мақсад сари интилиш, меҳнатга мустақил ёндашиш каби сифатлар таълим жараёнида ҳам, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда ҳам амалга оширилиши лозим. Меҳнат жараёнида болаларда янгиянги туйғулар, ўй ва фикрлар уйғунлашади. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ўйин ва меҳнат болаларда қўникма ва малакаларнинг шаклланишига имкон беради. Шунингдек, жамоа бўлиб қилинган ишларнинг аҳамияти ҳам жуда катта. Бундай ишларда барча болалар бир мақсад сари интиладилар ва уларда бир-биридан орқада қолмаслик ҳислари уйғонади.

Меҳнат кичик ёшдаги болаларда эҳтиёжга айланиши учун унинг турларини тўғри танлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ўқитувчи 2-синф ўқиш дарсларидир. Болалар уларни ҳам алоҳида дафтарчаларга ёзиб боришмоқда. (Бу дафтарча ҳам қолдиқ қоғозлардан ясалади). Тажрибалар шуни кўрсатдики, ўқув йили давомида ҳар бир бола 20-30 тадан ортиқ мақол ва топишмоқ, тез айтишларни тўплаш имконига эга бўлишининг ўзи уларда изланувчанлик ва топқирлик фаолияти ривожланишига замин бўлади.

Маълумки, янги ўқув йилидан бошлаб 1-синфларда лотин ёзуви (янги ўзбек алифбоси ёзуви) ўргатилади. Ёзув-санъатининг бир тури. У инсоннинг ички ҳис-туйғуси ҳамда руҳий мукаммаллигини намоён қиладиган сифат кўрсаткичи ҳамдир. Шунинг учун ёзувни қизиқарли машқлар, ўйинлар орқали уйғунлаштириш яхши натижалар беради. Ҳозирги кунда болаларнинг ёзувлари чиройли деб бўлмайди. Бунга сабаб, ёзув қуролининг мос эмаслигидир. Тўғрисини айтганда, шариклы ручка ёзувнинг нозик-нафис бўлишига ҳалал бермоқда.

Шунинг учун болаларга мос ёзув ашёсини жорий этиш вазифаси барчамизни ўйлатиш ва уни мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш айни пайтдаги муҳим вазифадир. Ёзув ислоҳотини биат қўйидаги дарслар, машғулотлар, кичик лаборатория ишларини кенг қамровда олиб бориш таълимда энг самарали ишлардан ҳисобланади. Ўқув йили давомида болаларни саёҳатларга олиб чиқиш, унда болалар фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ҳам, айниқса, муҳимдир. Бу жараёнда болаларни табиатни, кишилар меҳнатини кузатишда ижодий фаоллик кўрсатишга ундаш учун: ким нечта мевали, нечта мевасиз дарахтнинг номини айта олади? Қайси дарахт олдин, қайсиниси кейинроқ барг чиқаради, гуллайди? Сиз дарахтнинг энг пастки қисмидан то энг тепасигача кўрганларингизни айтинг. (болалар: илдиз, тана, пўстлоқ, бутоқ, шох, барг, гуллар деб айтсинлар!) каби саволларни бериши керак.

«Атрофга қаранг, қайси қушларни кўряпсиз? Уларнинг номларини айтинг. Уларнинг сайраши қанақа? Нималар билан озиқланади? Атрофни кузатинг, қайси ҳашоротларни кўряпсиз? Номларини айтинг. Қайсилари фойдали, қайсилари зарарли? Хонқизи қўнғизи нега фойдали? Чигиртка нима учун зарарли? асалари инсонлар учун қандай фойда келтиради? каби саволларга тез ва тўғри жавоб берган болаларни жорий этишга киришган олимлар янги ўқув дастурларида «Хатотлик санъати» сабоқларини тавсия этмоқдалар. Бу ишда улар ўтмиш маданий меросимизни ўрганиб, улардан мос ўринларни ҳозирги таълим тизимимизга киритишни амалга оширмоқдалар.

Шу боис, бошланғич таълимда болаларда ёзув маданяти малакасини ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда «Кимнинг хати чиройли?» ўйин-машғулот асқотади. Бунинг учун болалар яна кичик дафтарчалар ясайдилар. Унга ўзлари ёқтирган қушиқлар матнини чиройли, ёзув қоидаларига риоя қилган ҳолда ёзадилар. Бу дафтарчаларни ҳам кўргазмага қўйиш, энг чиройли ёзув эгаларини тақдирлаш орқали болаларда чиройли ёзув малакаларини шакллантириш мумкин.

Яна бир қатор усуллар - тарғбатлантириш лозим. Ўйин ва кузатув давомида сустлик қилган болалар билан эса қўшимча равишда қизиқарли ишларни давом эттириш керак. Шу йўл орқали уларни ҳам фаоллар қаторига қўшиш мумкин бўлади.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири болаларга экологик билим бериш, уларни табиатга яқинлаштириш, табиатни севишга ва асрашга ундашдир. Бу ўринда «Сув ва болалар» мавзуси жуда қўл келади. Ўқитувчи, аввало, болаларга сувнинг аҳамияти ҳақида тушунча бериши, сувсиз ҳаёт бўлмаслигини уқтириши зарур. Шу билан бирга сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланишда болаларнинг иштирокига доир режаларини тузиш ва амалга ошириш кўзланган таълим-тарбиявий натижани беради. Масалан, «сув - ҳаёт» мавзусида кичик иншо ёздириш учун аввал шундай режа тузилади:

Сувнинг зарурлиги.
Сувдан фойдаланиш ва уни тежаш.
Сув ҳақида донолар сўзлари.

Биз тажриба тариқасида Тошкент туманидаги 9-мактабда мазкур мавзуда 2- ва 3- синф ўқувчиларига иншо ёздирдик. Улар мазмунли иншолар тўздилар. Жумладан, 3-синф ўқувчиси Д. Илёсова ўз иншосида шундай ёзади:

«Табиатдаги нарсалар учун сув зарур. Масалан, одамлар, усимликлар, ҳайвонлар учун. Сув бўлмаса улар қўкармайди.

Сувдан унумли фойдаланиш керак. Уни бекорга оқизмаслик зарур. Кераксиз оқиб турган жумракларни бураб қўйиш, сувни ифлослантирмаслик керак.

Сув ҳақида:

Тома-тома кўл бўлур,
Томмай қолса, чўл бўлур,
дейилади халқ мақолида.

Бундай иншоларни дарсда таҳлил этиб, болаларнинг сув ҳақидаги тушунчасини янада кенгайтириш, сувга бўлган муносабат моҳиятини тушунтириш, айниқса, тарбияда яхши самара беради.

Умуман, таълим-тарбия ишларининг самардорлигига эришиш учун ўқитувчи методик томондан қуролланган бўлиши, қўлланаётган усуллари болалар фаолиятини тўғри бошқаришга хизмат қилиши лозим. Шундай қилингандагина таълим ва тарбия бирлиги мустаҳкамланади. Барча ишлар таълим давлат мезони даражасида амалга оширилади.

Назира АҲМЕДОВА,
республика Таълим илмий-методика маркази бошланғич мактаб бўлимининг мудири.

Суратдаги бу аёлнинг чеҳрасида нималарнинг аломатини кузатдингиз? Бизнинг наздимизда Собир Раҳимов туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи Дония Холмуҳамедованинг кўзларида мураббийликнинг 50 йиллик тотли машаққатлари акс этиб тургандек.

Равил АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Табиат ва биз

ЭКОЛОГИК АДАБГА БАҒИШЛАНДИ

Олтиариқ туманида «Ёшларнинг экология таълими ва таълим-тарбия аёлнинг ўрни» мавзусида вилоят анжумани бўлиб ўтди.

Турли туманлардан анжуманга келган меҳмонлар Ҳамза шаҳри, Полосон, Олтиариқ, Янгиқўрғон қишлоқлари, туман ҳунар лицейи, 16, 19, 21, 32-ўрта мактаблар, Ҳамза шаҳридаги 2, 3, туман марказидаги 2-болалар боғчаларида бўлишиб, ёшларнинг экологик тарбияси борасида олиб борилаётган тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Мазкур анжуман Олтиариқ туманида ўтказилишининг боиси бор. Олтиариқликлар экологик омилларни яхши билишади. Очиғини айтиш керак, саховатли еримиздан унумли фойдаланиш бошқа туманларга қараганда бу ерда анча юқори ўринда.

Шифокор, ўқитувчи, журналист, уй бекаси, маҳалла фаоллари ва турли касб эгаларидан таркиб топган «Экология ва аёл» уюшмасининг туман бўлими ёшларга таълим-тарбия беришда ибратли ишларни амалга ошираяпти. Жумладан, мактабларда муаллимлар ўқувчилар билан кенг қамровли иш олиб бориб, ҳар бир ўтилаётган дарсларда табиатни мусаффо асрамоқ—келажакни сақламоқ билан баробар эканлигини уқтириб келишмоқда.

14 та гуруҳдан иборат анжуман вакиллари тумандаги пахта тозалаш заводида, марказий шифохонада бўлишиб, хотин-қизлар меҳнати, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Шунингдек, улар мактаб ва маҳаллаларда, болалар боғчалари, ҳунар лицейида табиатга бўлган муносабат қай даражада эканлигининг гувоҳи бўлиб, баҳс-мунозаралар ўтказдилар. Айниқса, ҳунар лицейи ўқувчиларининг экологияга оид тайёрлаган кўргазмаси меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Ўқувчилар қўли билан парвариш қилинган 100 турдаги анвойи гуллар, сайроқи қушлар, паррандалар ёшларнинг она табиатга, усимликлар ва ҳайвонот оламига бўлган меҳр-муҳаббатларини намоён этиб турибди.

Анжуман иштирокчилари мазкур муассасалар билан танишганларидан сўнг, туман ҳокимлигида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А. И. Муҳиддинов, вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар билан ишлаш сектори мудири Ш. Мирзабобоева, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Қурбонов, вилоят «Экосан» жамғармаси раиси О. Иброҳимов, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси. У. Шароповлар сўзга чиқишиб, жамиятимиз олдида турган муҳим вазифа-экологик муаммоларни бартараф этиш хусусида ўз таклифларини билдирдилар. Шунингдек, Олтиариқда табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ижобий ишларни вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида тарғиб қилиш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Анжуман сўнгида ёшларни экологик тарбиялашдаги намунали ишлари учун Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводига қарашли 2-болалар боғчаси мудираси Зумрадхон Ҳайдарова, Ҳамза шаҳарчасидаги гимназия-интернатнинг бошланғич синф ўқитувчиси Пулатой Ҳожиматовалар вилоят «Экосан» жамғармасининг дипломи билан тақдирландилар.

Тўлқинбой УМАРОВ,
меҳнат фахрийси.

АЛИШЕР НАВОИЙ РУБОИЙЛАРИ

Талқин

«ЖОНДИН СЕНИ КЎП СЕВАРМЕН...» РУБОИЙСИ. Атрофга бир назар ташланг: ҳаёт қанчалар гўзал! Токи тирик экансиз, юрагингиз уриб турган, кўзларингиз очиқ бўлса, яшаш сизга ширинданширин неъмат бўлиб туюлаверади. Чиндан ҳам, тириклик — ҳеч қачон қайтиб берилмайдиган бир тортиқ. Буни ўйлаганингиз сари, моҳиятини англай бошлаганингиз сайин ҳаёт сизни оҳанграбодек янада кучлироқ ўзига маҳлиё қилаверади. Навоий кўнглида ана шундай ўта ҳаётсеварлик туйғулари жўш урмаганми, дейсиз!

Ҳаётсеварлик Навоий учун асосий мавзулардан бири эди. Шоирнинг умум ижодида бу ғоя бош масала янглиғ илгари сурилади. «Сабъайи сайёра»даги машҳур:

Хушдурур боғи койинот гули,
Борчадин яхшироқ ҳаёт гули, —

деган байтини эсланг.

Кўнглида, ҳаётга муҳаббат жўш урган бир маҳалда шоирнинг кучли ҳаяжон билан ўқиладиган мана бу рубоийси қоғозга тушган:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Умр — кишига бир боргина тақдим этиладиган Оллоҳ иноятн. Лекин рубоий кишининг яшаган йиллари маъносидаги умр ҳақида эмас. Арабча **умр** сўзининг **ҳаёт** деган маъноси ҳам бор. Шоир ҳаёт ҳақида сўзлаяпти. **Умри азиз** бирикмасини ҳам **умри азиз (ёр)** деб ҳам тушунмаслик керак. Лирик қаҳрамон **азиз ҳаётни** севишини айтяпти. У ҳаётни жонидан ҳам ортиқ **(кўп)** севади (биринчи мисра). Жон нима бўлибди?! Агар, мабодо, ҳаётга меҳр миқдорини ўлчаш учун сон ишлатиладиган бўлса, лирик қаҳрамон муҳаббати учун сон етишмас эди (иккинчи мисра). Бирон нарсани севишнинг бундан ортиқ даражаси бўлмаса, эй азиз ҳаёт, мен ана ўшандан ҳам кўп севаман сени, дейди шоир (учинчи ва тўртинчи мисралар).

Рубоийда бор-йўғи 13 **(жон, сен, кўп, севмак, эй, умр, азиз, сон, ҳар, не, он, ортуқ, бўлмоқ)** сўз ишлатилган. Кўпи такрор-такрор қўлланган. Худди ана шу такрорлар рубоий жозибасини таъмин этиб турибди.

Киши учун жонидан ҳам азизроқ нарса борми? Шоир рубоийда гапни азиз ҳаётни жонидан ҳам ортиқ севишини айтишдан бошлайди. Жонга оҳангдош **сон** ва **он** сўзлари эса ўзига хос бир занжир бўлиб мисраларни ушлаб турибди. Чунки улар қофия бўлиб келган.

Рубоий **ааба** тарзида қофияланган. Қофиядош мисраълар эса қофия бўлиб келган сўз ва олти сўзли радиф — **сени кўп севармен, эй умри азиз**дангина иборат.

Бу рубоийни паст оҳангларда ўқиш қийин. Қофиядош мисраларда қофидан **(жондин, сондин, ондин)** бошқа барча сўзларнинг радиф бўлиб келиши, фикрнинг мисрадан мисрага ўтган сайин кучайтира борилиши шеър жозибасини таъйин этган.

Оддий-оддий сўзлар улуғ шоир қаламининг соҳир кучи билан ўта нозик туйғунинг жуда таъсирчан ифодасига хизмат қилдирилган.

Рубоий ҳазажи мусаммани ахраби маҳбузи макфуфи мажбуб, яъни:

мафъулу мафоилун мафоийлу фаул

вазнида битилган:

Жон+дин се/ни кўп се+вар/ме+н, эй ум+ри / а+зиз

- - у./у - у - / у - - у / у -

Рубоийнинг учинчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби маҳбузи солими абтар: яъни:

мафъулу мафоилун мафоийлун фаъ

вазнида битилган:

Ҳар не+ни+ки сев+ма+к он+ди+н ор+туқ бўл+мас

- - у /у - у - /у - - - / -

«Ким кўрди экин...» рубоийси. Қанчалар ширин бўлмасин, ҳаёт фақат яхшиликлардангина иборат эмас. Дунё яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш асосига қурилгандек. Адабиёт ҳаётни акс эттирар экан, жаҳонга инсон кўзи билан боқади. Инсон эса табиатан ўта мураккаб хилқат. Яшашнинг ўзи ҳам осон кечаверадиган нарса эмас. Умр гоҳ хуш, гоҳ эса нохуш кайфиятлар гирдобида ўтади. Ҳаётнинг бу жиҳатларини жуда нозик туйғулари орқали қалбан ҳис этадиган шоирларни яхшилик ва ёмонликка муносабат кўпроқ қизиқтиради. Инсонда нафс бўлар экан, у нимадандир тамаъгир бўлаверади. Тамаъ эса уни ёмонликлар сари етаклайверади. Дунёда яхшиликнинг уруғи қанча кам бўлса, ёмонликнинг уруғи шунча кўп.

Хўш, нега шундай?

Навоийни ана шу савол қийнайди. Рубоий шу дард билан битилган:

Ким кўрди экан жаҳонда оё хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ?!
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.

Рубоийнинг мазмунини тушуниб олиш қийин эмас. Бу жаҳонда яхшилик кўрган киши бормикан? Яхшилик қиламан, деб ният айлаган бирон кимса топилармикин? Ахир, агар юз йилда бир яхшилик пайдо бўлса, кетидан юз ёмонлик келади-ку!

Шоир тўғридан-тўғри насиҳат қилаётгани йўқ. Рубоийда китобхонга хитоб ҳам кўринмайди. Лекин, зимдан сезилиб турадики, яхшилик — ўта ноёб нарса. Демак, уни бағоят қадрлаш керак. Одамлардан яхшилик кутиб, умидвор бўлиб ҳам юрманг. Бировлардан ёмонликлар кўрсангиз, дунё ўзи шундай тузилганини эсдан чиқарманг. Ҳаёт қандай бўлса, шундайича қабул қилиш, шундайича сева олиш керак.

Шоир гоҳида шунга ўхшаш кайфиятларини ҳам рубоийга солиб баён этади. Аниқроғи, Оллоҳга етиш йўлига кирган ошиқ учун бундан яхши йўл йўқ:

Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни унут,
Яхшию ямон ишда тахаллуфни унут.
Ўткан гар эрур ямон — таассуфни унут,
Келган гар эрур яхши — тассарруфни унут.

Умуман, ҳаётда ҳамиша яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён — ўзаро курашиб яшайди. Бу кураш ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ киши кўнглида кечади. Кўнгли яхшиликка мойил одамлар эса ёмонликдан ҳазар қиладилар. Рубоий ҳазажи мусаммани ахраби маҳбузи солими азалл, яъни:

Мафъулу мафоилун мафоийлун фоъ

вазнида битилган:

**Ким кўр+ди (э+кин жа+ҳон)да о+ё хуш)лу

ОЛТИН ДАМЛАР

Мирпўлат МИРЗО шеъри,

Ҳабибулла РАҲИМОВ мусиқаси



Шодлигимиз олиб уч,
Товланиб эсган сабо.
Қадрдон дўст-жўралар,
Даврамизга марҳабо!
Бизга ёт қайғу-ғамлар,
Олтин дамлар — бу дамлар!

Илк муҳаббат учқуни
Оташ солди дилларга.
Алишмаймиз дунёни
Талабалик йилларга.
Бизга ёт қайғу-ғамлар,
Олтин дамлар — бу дамлар!

Илму фанга сўқмоқлар
Очамиз тунлар бедор.
Орамизда булажак
Аллома сиймолар бор.
Бизга ёт қайғу-ғамлар,
Олтин дамлар — бу дамлар!

Ватан бахтин ўйлаймиз,
Руҳимизда истиқлол.
Навқирон ёш наслмиз,
Чорлар ажиб истиқбол.
Бизга ёт қайғу-ғамлар,
Олтин дамлар — бу дамлар!

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳакамлар ҳайъати «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танловини якунлади. Давлат тест маркази томонидан ўтказилган танлов педагоглар ва илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Танловда абитуриентлар билан тест ўтказиладиган ҳамма фанлар бўйича 220 та саволлар тўплами иштирок этди.

Танлов иштирокчилари ичида энг фаоллар— мактаб, гимназия ва лицейлар ўқитувчилари бўлди (142 киши). Шунингдек Олий ўқув юртлари ва илмий ходимлардан 40 киши, 2 нафар аспирант, 6 нафар талаба ва ҳатто 20 нафар мактаб ўқувчилари (!) танловда иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати танловга келган ҳамма ишларни жиддий ўрганиб чиқишни ташкил қилди ва ишларни педагогик тестларга қўйиладиган талабларга мос келишини ҳам таҳлил қилиб чиқди.

Ҳакамлар ҳайъати «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танлови ҳақидаги Низомга асосланган ҳолда ва танловга келган ишларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб қуйидаги муаллифларни мукофотлашга қарор қилди:

математика бўйича

ИБРАГИМОВ Г. — ЎзР ФАНлар Академияси Математика институти катта илмий ходими

ўзбек тили бўйича

ЮСУПОВ Х. — ФарДУ ўзбек тили ва таржима асослари кафедраси ўқитувчиси

химия бўйича

АЛБЕКОВ М. — Тошкент вилояти Оққўрғон лицей-интернати ўқитувчиси

физика бўйича

МАТЧОНОВ Х. — ТошДУ ҳузуридаги лицей-интернат ўқитувчиси

немис тили бўйича

УСМОНОВА Ф. — ТошДУ доценти

биология бўйича

ТОЖИБОЕВ Е. — НамДУ доценти

қорақалпоқ тили бўйича

АТАЖАНОВА С. — Нукус шаҳри 17-мактаб ўқитувчиси

география бўйича

МУРОДОВ Х. — Наманган мактабгача педагогика билим юрти ҳузуридаги қизлар лицейи ўқитувчиси

МАВЖУТОВ Д. — Наманган вилояти Поп тумани 3-мактаб ўқитувчиси

МУСАЕВ Ж. — ТошДУ аспиранти

инглиз тили бўйича

АРЕПАНОВА С. — Чуст педагогика билим юрти ўқитувчиси

НАМИРОВ И. — 2-босқич талабаси

тарих бўйича

БАКИРОВ Г. — Фарғона вилояти иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси

ЖЎРАЕВ У. — Тошкент вилояти Бўка тумани 8-мактаб ўқитувчиси

МАМАШИН В. — ЎзДЖТУ тарих кафедраси ўқитувчиси

ПЕТРЕНКО Л. — Олмалиқ шаҳридаги 15-мактаб директори

ХОЛБОЕВА Г. — Самарқанд вилояти Нарпай тумани 24-мактаб ўқитувчиси

химия бўйича

АЗИМОВ А. — ТошПМИ доценти

ЗИЁЕВ Р. — ТошДАУ доценти

РАФИҚОВ А. — Тошкент шаҳридаги 300-лицей ўқитувчиси

физика бўйича

ОЧИЛОВ М. — Учқўрғон шаҳри мактаб ўқитувчиси

САТИҚУЛОВ М. — Самарқанд вилояти УМОИ

ФАЙЗУЛЛИН Ф. — Шаҳрисабз шаҳридаги 4-мактаб ўқитувчиси

Юқори сифатли, таълим стандартларига мос келувчи тест материалларининг қуйидаги муаллифларини Давлат тест маркази билан ҳамкорликка даъват қилишга ва уларни танлов иштирокчиси гувоҳномаси билан рағбатлантиришга қарор қилинди:

математика бўйича

АБДУҒАНИЕВ Ш. — ТДТУ Олий математика кафедраси катта ўқитувчиси

АЛАЕВ Г. — ТермДУ доценти

АҲМЕДОВ Х. — БухДУ математикавий таҳлил кафедраси доценти

ИСКАНДАРОВ И. — ТДТУ Олий математика кафедраси ўқитувиси

ОРОЛОВ Ж. — ҚаршиДУ математика факультети 3-босқич талабаси

ўзбек тили бўйича

ОТАХОНОВ Т. — Андижон вилояти Марҳамат тумани 23-мактаб ўқитувчиси

САИДҚУЛОВА Г. — Термиз шаҳри 2-мактаб ўқитувчиси

УБАЙДУЛЛАЕВ К. — Чуст шаҳри 10-мактаб ўқитувчиси

рус тили бўйича

АЗИМОВА Ш. — Бухоро УМОИ рус тили кабинети услубчиси

ГЛУЩЕНКО А. — Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани 2-мактаб ўқитувчиси

ЕРИМБЕТОВА З. — Тўртқўл шаҳри 2-мактаб ўқитувчиси

КОН Л. — Чимбой шаҳри 2-мактаб ўқитувчиси

САЪДУЛЛАЕВА О. — СамДУ доценти

немис тили бўйича

ЗАРИПОВА Б. — Бухоро шаҳри 32-мактаб ўқитувчиси

биология бўйича

МУМИНОВ С. — СамДУ биология факультети 2-босқич талабаси

Давлат тест маркази танлов ғолибларини тақдирлашни ва педагогик тестларнинг энг яхши муаллифлари билан учрашувни 1996 йил сентябрида ўтказади.

ДТМ.

Хулласи...

СОЧИНГДА ҚАСДИНГ БОРМИДИ?

Ҳофизимизнинг мазкур хонишини Шимолий Каролина штатининг Фействиля шаҳрида яшовчи Марта Хейес эшитиб қолса, хафа бўлиши турган гап. Боиси, у сочининг ҳар бир толасигача ардоқлайди. Тўкилганларини тўплаб боради.

Марта хоним яқинда қарасаки, тўкилган сочлари бир неча калава бўп қолибди. Шунда унинг фикрида чақин чақди: «булардан кўйлак тўқийман». Ва тўқиди ҳам. Жуда ажойиб, сўнгги модадаги кўйлак чиқди, ўзиям. Бироқ, унинг бир-икки ноқулайликлари ҳам кўриниб қолди. Биринчидан, кўйлакни фақат шампунда ювишга тўғри келяпти, иккинчидан ушбу антиқа кийим баданни бир оз қичитар экан.

БАЙРАМНИНГ ДАВОМИ МУАММО

Англия биологларининг кўчасида байрам бўлиб қолди. Уларга Букингем саройи боғи (16 гектардан ортиқ)ни тадқиқ этишга рухсат беришди. Шу пайтгача бу боғ олимлар учун ёпиқ эди. Ҳақиқатан, уларнинг қувонганича ҳам бор экан. Чунки, табиатшунослар кўплаб антиқа нарсаларга дуч келишди. Фақатгина Франция узумзорларидагина учрайдиган ўргимчак боғда бемалол сайр этиб юрибди. Айниқса, тури умуман ноаниқ бўлган, бўйи 10 метрдан ошгувчи дарахт мутахассисларни лол қолдирди.

ҚАДАМИ ЧАҚҚОН ЧУВАЛЧАНГ

Австралиянинг Виктория штатида чувалчанглар пойгасини ўтказиш одат тусига кирган. Навбатдаги пойгалардан бирида «Митти» лақабли судралувчи устун келди. Пул мукофотини олди. Қизиғи шундаки, «Митти»нинг эгаси мазкур пойгаларнинг орқасидангина тирикчилик қилар экан.

ОМАДНИНГ ҚУРБОНИ ГАРАЖ БЎЛДИ

Исталган одамдан сўраб боқинг, улар ё метеоритга дуч келган бўлади, ё жилла қурса, қузатган чиқади. Лекин метеорит остида қолиб кетганлари камдан-кам учраса керак. Шундай бахтли (бу сўзни қўштирноққа олмадик, чунки унинг ҳақиқатан ҳам омади бор экан)лардан бири Эд Маккейн. У 1938 йилда, Иллинойснинг Бенелд шаҳрида яшаган маҳали метеорит тўппа-тўғри машинаси турган гаражга тушади. Бахтига, Эд эндигина гараждан чиққан бўлади.

ана шунақа гаплар.

Қарор ва ижро

ФУТБОЛНИНГ ОММАЛАШУВИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Энг оммавий ва эл севадиган спорт турларидан бири бўлган футболга эътибор ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 17 январидаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» чиқарган қарорида спортнинг бу турини кенг оммалаштиришнинг ёрқин йўл-йўриқлари белгилаб берилди. Мазкур қарорни амалга ошириш халқ таълими органлари зиммасига катта вазифалар юклайди. Мухбиримиз «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Наманган вилоят кенгаши раис муовини Р. Муротхўжаев билан мазкур қарор юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида чиқарилган Халқ таълими вазирлиги, вилоят хокимлиги қарорлари шу кунгача вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан дастуриламал сифатида ўрганилди ва ушбу ҳужжатлар бўйича 28 банддан иборат қарор қабул қилинди. Жумладан, унда спорт майдончалари бўлмаган халқ таълими муассасаси учун ер майдончалари ажратиш тадбирлари кўрсатилган шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорларига кўра 57 та муассаса учун ер майдонлари ажратилди.

Вилоятда комплекс спорт майдонлари чизмалари асосида қурилиш ишлари олиб борилаётир. Ҳозирги кунда 157 та футбол майдони ва 3 та стадион мавжуд. Шундан 102 тасига чим босилган. Қолганларида бу иш давом эттирилмоқда.

Вилоятимизда 646 та мактаб, 32 та ҳунар билим юрти, 30 та спорт мактаби фаолият кўрсатаётир. 2 та футболга ихтисослаштирилган спорт мактаби, 15 та футбол бўлими, 5 та умумтаълим мактабларида футбол чуқурлаштириб ўргатиладиган синфлар, халқ таълими муассасаларида 642 та футбол шўъбаси ташкил этилган.

Футболнинг оммавийлигига эришиш мақсадида мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон — полвонжон» спорт ўйинларига футбол ўйини элементлари, бошланғич синфлар ўқувчиларининг «Спорт фестивали» дастурига митти футбол мусобақалари киритилмоқда. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг туман ва вилоят мусобақалари ҳам ўтказилиб, республика мусобақаси қатнашчилари аниқланди.

Вилоятимиз болалар-ўсмирлар футбол мактабларида тарбияланган спортчилардан 15 нафари олий лигада, 16 нафари биринчи лигада, 20 нафари иккинчи лигада ўйнамоқда. Ҳозирги кунда вилоятимизда 2 та футбол мактабида 1248 ўсмир футбол сирларини эгаллаётир. Улар орасида истиқболли спортчилар анчагина.

Вилоятда футбол мактаб-лицейини ташкил этиш масаласи ҳам ҳал этилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг қарори чиқди.

Янги ўқув йилидан бошлаб футбол чуқурлаштириб ўргатиладиган синфларда алоҳида дастур бўйича машғулотлар олиб борилади. Ҳозирги кунда Косонсой, Ҳаққулобод, Чуст, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлимларида футболга ихтисослашган спорт мактаблари профили ташкил этиш ҳақида таклифлар урганилмоқда. Ҳар бир мактаб, ҳунар билим юртида махсус футбол бурчаклари ташкил этиш, футбол ҳафталиклари ўтказиш тадбирлари кенг оммалашмоқда.

Спортни кенг оммалаштириш юзасидан олиб бораётган ишларимиз уз самараçини бераётир. Буни спорт тадбирларининг байрамона руҳда утаётганида ҳам кўриш мумкин. «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти томонидан «Энг яхши мураббий», «Энг моҳир футболчи» совринлари таъсис этилди. Бу совринлар мавсум якунида тантанали вазиятда топширилади.

Кўп жойларда бўлганидек, вилоятимизда оддий резина тўпларидан тортиб чарм тўпларигача етарли даражада бўлишини таъминлаш ишимизнинг ривож топишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Шунингдек, спорт жиҳозлари ва кийим-кечаклари, малакали спорт мураббийларини тайёрлаш муаммоларини ҳал этиш ҳам диққат марказимизда.

Хуллас, изчил ва собитқадамлик билан иш олиб бориб, вилоятимизда футболни кенг оммалаштириш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланамиз. Бунда, шубҳасиз, жамоатчилик, қолаверса оталиқ ташкилотлари мададига таянамиз.

Суҳбатдош:
Ғ. МАННОПОВ.

Янги нашр

«ШАРҚ БИЗНЕС-ХАБАРНОМАСИ»

Кеча «БВВ» газетаси ўзбек тилидаги нашри «Шарқ бизнес-«хабарномаси»нинг илк, нишона сони бўй кўрсатди. Унда ранг-баранг, қизиқарли мақолалар эълон қилинган. Ҳафталик шу йилнинг 1 сентябридан давлат тилида мунтазам чиқа бошлайди.

Янги нашрнинг «Муштарийга» мақоласида газетанинг йўналишлари хусусида сўз юритилган. Унда таъкидланишича, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, ташқи сиёсий майдонда Ўзбекистоннинг фаолияти «Шарқ бизнес-хабарномаси»нинг бош мавзуларидан бўлиб қолади. Табиийки, Ўзбекистон ҳаётидаги энг муҳим иқтисодий ва сиёсий воқеалар ҳақида ахборотлар доимий равишда бериб борилади. Шунингдек, дунёнинг молиявий ва товар бозорларидаги аҳвол, маданий турмуш, кичик бизнес, тадбиркорлик ва бошқа кўплаб мавзулар газета мундарижасидан ўрин олади.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Олтин ёз — ўтмоқда соз!

«ДЎСТЛИК»ДА БИР КУН

Ушбу оромгоҳга кирсангиз, унинг салқинлиги, марказидаги чашманинг муздек суви дарҳол эътиборингизни тортади. Осмонга бўй чўзган улкан дарахтлар, оромгоҳ марказидан оқиб ўтадиган сойнинг шовиллаши, сувларнинг тошдан-тошга урилиб оқиши кишига олам-олам завқ-шавқ бағишлайди.

Мана, ҳозиргина бир гуруҳ болалар саёҳатдан қайтишди. Улар Қайнарбулоқ қишлоғидаги машҳур бахши Абдулла шоир Нурали ўғли ёдгорлигини зиёрат қилишибди. Оромгоҳнинг бир томонида эса икки жамоа ўртасида «Қувноқ стартлар» спорт мусобақаси ўтаётир. Ҳа, бу ерда ҳар бир кун ана шундай қизиқарли ва мазмунли кечади.

— Туман «Агрохизмат» уюшмасига қарашли «Дўстлик» болалар ва ўсмирлар оромгоҳида жамоа ҳужаликларидан уч мавсум давомида 900 нафар болани дам олдиришга мўлжаллаганмиз, — дейди оромгоҳ бош етакчиси Дилшод Ашуров. — Айни пайтда 1-мавсумда 300 нафар бола ҳордиқ чиқараётир. Улар ўртасида тарбия ва ташкилий ишларни яхши йўлга қўйишда Лайло Асорова, Яшин Тошев, Матлуба Қулбулова, Ойбек Холиқов каби тарбиячи ва етакчилар, жисмоний тарбия ўқитувчиси Шоди Қураевлар ташкилотчиликларини намойиш этишмоқда.

Оромгоҳда шахмат-шашка бўйича мусобақалар, «Қувноқ стартлар», «Балли, йигитлар!», «Кулги кечаси», «Эртаклар оламида», «Балли, қизлар!», «Топишмоқлар кечаси» ва бошқа тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Бу ерда Сувонжон Бойқўродов бошчилигидаги ансамбль концерт қўйиб бераётир. Вақтивақти билан кинофильмлар ҳам намойиш этилмоқда. Турли тадбирларни ўтказишда Бобур Хидиров, Нигора Фахриева, Шаҳноза Қобилова, Илҳом Отауллаев, Бахтиёр Ҳалимов, Чарос Умироваларнинг хизматлари катта бўляпти.

Ҳикмат САМАДОВ,
Қашқадарё вилояти,
Китоб тумани.

«ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни топиб шаклда «занжир» ҳолида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. XXV1 олимпиада ўйинлари маркази. 2. Бокс бўйича Ўзбекистон Олимпия терма командаси аъзоси. 3. Халқаро Олимпия қўмитасининг биринчи (1894—1896 йиллар) Президенти. 4. 1972 йилги олимпиада ўйинлари совриндори бўлган ўзбекистонлик гимнастикачи аёл. 5. Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, ўзбек чавандози. 6. Спорт мусобақасининг маълум вақтидаги ҳолат. 7. Спорт анжоми. 8. Иккинчи олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган Овруподаги пойтахт шаҳар. 9. Бу йилги олимпиада ўйинлари ўтказилаётган АҚШдаги штат. 10. Спорт қайиғи. 11 Ҳозирги замон биринчи олимпиада ўйинлари ўтказилган шаҳар. 12. Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган мусобақа. 13. Моҳир мерган, 1-Марказий Осиё ўйинлари чемпиони. 14. Тўпли спорт ўйини тури. 15. Олимпия ўйинлари ўтказилган Овруподаги яна бир шаҳар. 16. Бокс мусобақасидаги ҳолат. 17. Олимпия ўйинлари ўтказилган кунчиқар мамлакати пойтахти. 18. Чавандозлик мусобақалари ўтказиладиган иншоот. 19. Бокс майдони. 20. Футболдаги ҳужумдан эришиладиган натижа. 21. Улоқтириш анжоми. 22. Теннис майдончаси. 23. Республикамизда оммалашаётган спорт тури. 24. Спорт кураши тури. 25. Бокс бўйича терма команда аъзоси, Осиё чемпионати ғолиби.

Энди шаклдаги айланаларда ифодаланган шартли белгилар тасвири асосида ёзги олимпия ўйинлари дастурига кирган бешта спорт турини топинг.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Луқмон БУРИЕВ, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0381. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6